

**А. Холмаҳматовни Ўзбекистон
Республикаси Бош прокурорининг
ўринбосари этиб тайинлаш тўғрисида**

2001 йил 10 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 10 декабрдаги Фармонида биноан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари этиб тайинланди.

*Шундай олижаноб интилиш, пок туйғу
билан яшайдиган одамлар ҳеч қачон кам
бўлмайди.*

Ислом КАРИМОВ



А. ТҮРАЕВ олган сурат

2002 йил — Карияларни кадрлаш йили

ТИНЧЛИККА ТАЪРИФ ОРТИКЧА

Бугун ҳам ер юзининг баъзи бир нуқталарида бегуноҳинсонларнинг қони тўкилмоқда. Бугунги урушда даҳшатли қуроллар қўлланилмайди, лекин бирон-бир ёлғон ахборот одамларга атом бомба-си каби таъсир этиши мумкин. Гап соғлом фикрловчи инсоният ва терро-

Шуни афсус билан таъкидлаш керакки, терроризм оғирликларини ўз тана-сида синиб кўрган мамлакат сифати, Ўзбекистоннинг бу офатга қарши бир-галикда курашиш ҳақидаги заҳирлиқлари яқин вақтларгача дунё ҳамжамияти то-монидан эътиборсиз қолдириб келин-ди. Холбуки, Президентнинг Ислон Ка-римов Олий Мажлисининг еттинчи сес-сиясида сузлаган нутқда таъкидлага-нидек, «бузғай эзравонлик намойишла-ри илгари ўзларга боғлиқ бўлмаган ҳол-да дунёнинг турли минтакаларида ўзининг

Тарихда шундай давр бўладики, унда ҳеч кимнинг хато қилишга ҳаққи бўлмайди. Қўшни Афғонистонда содир бўлаётган ҳодисалар биздан ҳар қачонгидан ҳам серғак, огоҳ бўлишни талаб қилади. Бу борадаги позициямиз Президентимизнинг 5 октябрда эълон қилинган баёнотида ўз аксини топган. Яқинда Олий Маҳлисини ўзбекистон халқига «Терроризмга қарши курашда бирдам бўлай

Бу гапларнинг яхшилаб маъзини чақиб олиш керак. Сабаби, «биздан узоқда, бошқа давлатда уруш бўлаёпти» дея хотиржамликка берилиш хато бўлур эди. Содда қилиб айтганда, қўшини-кида жанжал бўлиб турганда сиз ўзингизни қандай эркин ҳис этасиз?

Мамлакатимизнинг ҳар бир онгли

Келаётган йил халқаро миқёсда терроризмга барҳам берилган сана сифатида тарих солномаларига ёзилишини истаймиз. Бу эзгу ният минг-минглаб юртдошларимизни эзгу амалларга чорлашига шубҳам йўқ.

Бахтиёр ЖУМАНИЁЗОВ,
Хоразм вилоят прокурорининг
катта ёрдамчиси

«HUQUQ»

YURIDIK GAZETA

Ta'sischiilar

O'zbekiston Respublikasi
Bosh prokuraturasi,
Toshkent shahar va Toshkent
viloyati prokuraturalari,
«Qonun himoyasida»
jurnali

Bosh muharrir:

Abduxoliq
ABDURAZZOQOV

Tahrir hay'ati:

Mels Naimov,
Komiljon Ismoilov,
Dilshod Isomov
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Shavkat Yodgorov
(mas'ul kotib),
Lola Shomurodova,
Muxtor Shodmonov,
Ahmadjon Xudoyberganov

Gazeta Davlat matbuot
ko'rtasida №00150 raqam
bilan ro'yxatga olingan
Nashr ko'rsatkichi - 231, 232

Manzil: Toshkent shahri,
akademik Yahyo G'ulomov
ko'chasini, 66-uy.

Telefon: 133-82-34.

Reklama va e'lonlar:
133-82-34, 77-59-31.

E-mail: huquq@mail.UzNet.NET

Tahririyatga kelgan qo'ylovma
va suratlar egalariga
qaytarilmaydi.

Mualliflarning fikrlari
tahririyat fikridan farqlanishi
mumkin. Gazetada bosilgan
fakt va dalillar uchun
muallif mas'ul.
Nashrimizdan ko'chirib
bosilganda «Huquq»dan
olinganligi ko'rsatilishi shart.
Tijorat ahamiyatiga molik
materiallar ** belgisi ostida
chop etiladi.

Gazeta tahririyat kompyuter
bazasida terildi va sahifalandi.
«Huquq» original-maketi

Gazeta «Sharq» nashriyot-matbaa
aksiyadorlik kompaniyasida ofset
usulida A-3 formatda
chop etildi.
Korxona manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko'chasini, 41.

Buyurtma Γ - 3149
Nusxasi — 15475
Bosmaxonaga topshirish
vaqti 20.00
Bosmaxonaga
topshirildi 19.30

Gazeta haftaning chorshanba
kunlari chiqadi
Naybatchi muharrir:
H. NISHONOV
Naybatchi: F. MAMASHARIPOV
Sotuvda erkin narxda

1 2 3 4 5 6 7 8

МУКОФОТ МУБОРАК!

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси
Баш прокуратурасида Кон-
ституциямизнинг 9 йиллиги
муносабати билан бўлиб
ўтган йиғилишда Респуб-
лика Баш прокурори, I да-
ражали Давлат адлия мас-
лаҳатчиси Рашидjon Қоди-
ров Асосий Қонунимизнинг
мамлакат тараққиёти ва хал-
қимиз ҳаётидаги аҳамияти
ҳақида маъруза қилди.
Йиғилишда Ўзбекистон му-
стақиллигининг ўн йиллиги
муносабати билан тақдир-
ланган бир гуруҳ прокура-
тура ходимларига давлат
мукофотлари топширилди.
Суратда: Мукофотлар
топширилаётган пайт.

А. Тўраев олган сурат

**МУНОСАБАТ**

Президентимиз Ислам Каримовнинг иккинчи чақирғи Олий
Мажлисининг олтинчи сессиясидаги маърузасини ўқир эканман,
ички бир қониқиш ҳиссини туйдим. Негаки, унда биз, терговчи-
ларнинг дилидан кечган гаплар ҳам бор эди.
Очинини айтганда, оғир жазо, айниқса инсонни озодликдан
махрум этиш ҳар қандай одамнинг руҳиятига жуда ёмон таъсир
қилади. Бунга тергов олиб бориш жараёнида кўп бор гувоҳ
бўлганман. Ахир қамалган одам ҳам инсон, унинг ҳам ота-
онаси, туғишганлари, бола-чақаси, дўсту биродарлари бор.
Қамалган одам маҳаллада баш кўтариб юролмайди, жамоатга
қўшилмайди, болаларининг кўзига тик боқолмайди. Унга шу
жазоларнинг ўзи етарли эмасми?

Президентимиз шу сессияда
бир гапни жуда топиб айтди: «Жи-
ноятчиликнинг олдини олиш, унга
қарши курашиш самарадорлиги
жазонинг оғирлиги ва шафқатсиз-
лигига эмас, балки биринчи на-
вбатда, қонунни бузган шахсининг
жазонинг муқаррарлигини нечоғли
англашига боғлиқ.

Шу билан бирга, миллий анъа-
наларимиз руҳида тарбияланган
кўпгина фуқароларга содир этган
жинояти учун сўроқ ёки тергов иши
бошланганининг ўзбек тегини ху-
лоса чиқариб олиш ва қонунчи бо-
шқа бузмаслик учун кўп ҳолларда
кифоя бўлади, деб ўйлайман».

Ҳақ гап! Бунга ўз иш тажриба-
да кўп бор ишонч ҳосил қилганман.
Олий Мажлисининг юқорида ай-
тилган сессиясидан олдин Бухоро
вилояти «Қишлоқхўжалиқимиз» дав-
лат акционерлик бирлашмаси ва
унинг туманлардаги филиаллари-
да ўтказилган текширув ва тергов
натижасида уч нафар шахс усти-
дан жиноят иши кўзга тушган
келди. Улардан бири «Қишлоқхў-
жалиқимиз» ДАБнинг Жондор ту-
мани филиалида оғир мудири,
кейинчалик шу тумандаги «Мо-
хонкўл» жамоа хўжалигида агрохи-
мик бўлиб ишлаган Икром Жумаев
эди. У моддий жавобгарлигидаги 2
млн. сўмлик минерал ўғитлари
талон-торож қилиб ўзлаштириб
юборган. Қўрилиш турибдики, бу
билан филиалга ва жамоа хўжали-
гига жуда кўп миқдорда зарар ет-
казган.

Иккинчи шахс — Ғофур Зари-
пов ҳам шу филиалда оғир муди-
ри вазифасида ишлаган. Афсуски,
у жиноятга қўл уриб, ўзганин анча
миқдордаги мулкни талон-торож
қилади. «Теша Салимов» ширкат
хўжалиги агрохимия Илҳом Асло-
нов эса филиалдан жами 717 минг
сўмлик минерал ўғит олгану, лекин
уни хўжалика топширмадан тер-
говда аниқлаш имкони бўлмаган
шахсларга сотиб, пулни ўзлашти-
риб юборган.

Тўғриси айтганда, улар энди
бизни қамашди, деб ўйлашган эди.
Бунга қонун изн берарди. Лекин
тергов даврида айбланувчилар то-

монидан зарар тўлиқ қопланганли-
ги учун аниқланган ҳолатлар бўй-
ича уларнинг барчасига айб эълон
қилиниб, ҳар бири тилхат орқали

руҳи билан сугорилган юқоридаги
қонунга асосан Жиноят кодекси-
нинг бир неча моддасига агар жи-
ноят содир этган шахс етказилган
моддий зарарни тўлиқ қоплаган
тақдирда суд томонидан озодлик-
дан маҳрум этиш жазосини қўлла-
маслик ҳақидаги нормалар кири-
тилдики, бу жавобгарликка тор-
тиш тушунчасига мулҳоқ янгича
ёндашув демакдир.

Иқтисодий соҳадаги жиноятлар-
ни қотиллик, ўғирлик каби оғир ва
ўта оғир жиноятлар билан бир
қаторга қўйиб бўлмайди. Бу тои-
фадаги жиноят учун қамашдан
фойда йўқлигини ҳаётнинг ўзи
исботлаб турибди. Айбдор етказ-
ган зарарини тўла қоплагани, жа-
рима жазосига тортилгани қақда-
ю, уни озодликдан маҳрум этиб,
давлатнинг қанчадан-қанча маб-

ИНСОН АЗИЗ

**Жиноят қонунчилигимизга киритилган ўзгаришлар ва
қўшимчаларнинг иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий жиҳатдан
тарбиявий аҳамияти беқиёсдир**

очикда қолдирилди. Бу ҳолат ҳамда
тергов ва суд жараёнларининг ўзбек
уларга ўз қилишларидан тўғри
хулоса чиқаришига кифоя бўлган.

Иккинчи чақирғи Олий Мажли-
сининг олтинчи сессиясида «Жиноий
жазоларнинг либераллаштирилиши
муносабати билан Ўзбекистон Рес-
публикасининг Жиноят, Жиноят-
процессуал кодекслари ҳамда Маъ-
мурий жавобгарлик тўғрисидаги
кодексида ўзгаришлар ва қўшим-
чалар киритиш ҳақида»ги Қонун
қабул қилингандан кейин олиб
борилган бошқа бир тергов иши ҳам
иқтисодий соҳадаги жиноят билан
боғлиқ. Энг муҳими шундаки, маз-
кур қонун бу турдаги жиноятларни
содир этган шахсларга нисбатан
жазони енгилаштириш ва иқтисо-
дий таъсир чораларини қўллаш
имкониятларини кенгайтирди.

Жиноят ишининг қисқача тафси-
лоти шундай: (айрим сабабларга
қўра, айбланувчининг исм-шарифи-
ни кўрсатмаймиз). Фуқаро Б. Рес-
публика Мехнат ва аҳолини ижти-
моий муҳофаза қилиш вазирлигига
қарашли Миллий реабилитация
марказида оғир мудири бўлиб
ишлаб келган. У иш даврида мар-
каз оғирхонасида сақланаётган
жами 1 млн. сўмлик товар-моддий
бойликларни талон-торож қилган.
Авалги қонун моддасига қўра бун-
дай жуда кўп миқдордаги қамомад
учун фуқаро Б. қамалиши, мол-му-
лки мусодара қилиниши мумкин эди.
Лекин инсонпарварлик, одиллик

лағини сарфлаш қаяқда.

Фуқаро Б. эҳтиёт чораси сифа-
тида қамоқда сақлаш ўрнига тил-
хат орқали очикда қолдирилди.
Узининг судга қадар қамалмасли-
гига ишонч ҳосил қилган Б. етказ-
илган зарарни тийиниғача жой-
жойига қўйди.

Ва у ана бир енгиликни юрак-
дан ҳис этган бўлса ажаб эмас —
қонунга биноан унга тегишли мол-
мулк мусодара қилинмади.

Лекин ана бир мулоҳазани ай-
тиб ўтиш керак. Қонунларимиз-
нинг инсонпарварлик тамойили
айбланаётган шахс жазо муқар-
рарлигини етарли даражада ид-
рок этиши зарурлигини тақозо эта-
ди. Яъни, ҳар қим жинояти учун
албатта жазосиз қолмаслигини
тушуноғи, бунга биз терговчилар
ҳам ўз фаолиятимиз давомида
уларга аниқлаш боришимиз зар-
ур. Токи кейинчалик улар такрор
жиноятга қўл урмасинлар.

Ҳаёт ўзгариб бораёпти. Унга
ҳамоҳанг қонунлар ҳам тақомил-
лашмоқда. Юқоридаги қонун бун-
га бир мисол, ҳолоқ. Ушбу ҳужжат
ҳуқуқий онгимизни яна бир поғона
юқори кўтаришга хизмат қилади.
Қонунлар қанчалик муқаммал, ин-
сонпарвар бўлса, уларни амалда
қўллаш шунчалик осон қўндаи ва
бундан руҳиятнинг енгили тортади.

Шўҳрат ОТАЖОНОВ,
Республика Баш
прокуратурасининг алоҳида муҳим
ишлар бўйича катта терговчиси

● ХАЛҚАРО АНЖУМАН**ДЕМОКРАТИЯНИНГ
МАШАҚҚАТЛИ ЙЎЛИ**

Ташкентда бўлиб ўтган
халқаро илмий-амалий
конференция «Суд-ҳуқуқ
ислоҳоти: назария ва
амалиёт» мавзусига бағиш-
ланди. Унда Германия,
Миср Араб Республикаси
элчихонаси, ЕХХТ вакилла-
ри, ўзбекистонлик ҳуқуқ-
шунос олимлар ва бир
қатор халқаро ташкилотлар-
нинг вакиллари иштирок
этишди. Анжуманда мамла-
катимизда олиб борилаёт-
ган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари-
нинг аҳоли, эришилган
ютуқлар, қилиниши лозим
бўлган ишлар ва келгуси
режалар муҳокама
қилинди.

Конференцияни олиб борган
ТДЮИ ректори М.Рустамбоев
Ўзбекистондаги суд-ҳуқуқ исло-
ҳотлари ҳақида гапириб, «Жино-
ий жазоларнинг либераллашти-
рилиши муносабати билан Жино-
ят, Жиноят-процессуал кодексл-
лари ҳамда Маъмурий жавобгар-
лик тўғрисидаги кодексига ўзгар-
тишлар ва қўшимчалар киритиш
ҳақида»ги Қонунга алоҳида тўхта-
либ ўтди.

— Мен аввал Америкада адво-
катурада ишлаган вақтимда, —
дейди Америка юристлар ассо-
циацияси профессори Люси Мар-
тин, — асосан кам таъминланган
шахслар томонидан содир этил-
ган жиноят ишларида ҳимоя
ҳуқуқини таъминлаб келганман.
Бу борадаги ишларда қатнашган-
нимда, ҳимоямдаги шахсга нис-
батан одил судловнинг қарор то-
пишига ва бунинг моҳиятини унинг
ўзи тўла тушуниб етишига ҳара-
кат қилганман. Чунки бу одил суд-
ловни янада тақомиллаштиришга
хизмат қилади.

Конференцияда сўзга чиққан
Республика Баш прокуратураси-
нинг Қонунчилик муаммолари ва
прокурор-тергов ходимлари ма-
лакасини ошириш маркази ди-
ректори Э. Абзалов жиноий жазо-
ларнинг либераллаштирилишида
прокуратура органларининг тут-
ган ўрни ҳақида гапириб, жумла-
дан, шундай деди:

— Жиноий жазоларни либерал-
лаштиришда прокурорларнинг
ўрни, уларга юқлатилган вазифа-
лар янги тахрирдати «Судлар
тўғрисида»ги ва «Прокуратура
тўғрисида»ги қонуларда белгилан-
қўйилган.

Давлатимизнинг жиноий жа-
золарни либераллаштиришга доир
сиёсатида прокурорларнинг ўрни
муҳим ва масъулиятлидир.

Прокурорларнинг бу борадаги
фаолияти суд ва бошқа ҳуқуқни
муҳофаза этиш органларининг фа-
олиятидан тамоман фарқ қила-
ди, чунки прокуратуранинг назо-
рат ва вақолат доираси жиноий
судлов жараёнининг барча поғона-
лари: терговдаги, дастлабки тер-
гов, суд жараёни ва маҳкумлар-
нинг жазо ўташини ҳам қамраб
олади.

(Давоми 4-бетда.)

● КОНСТИТУЦИЯМИЗНИ ЎРГАНАМИЗ

ЎЗБЕКИСТОН мустақилликка эришгандан сўнг, истиқболни қўлаб бир қатор тadbирларни амалга оширди. Халқимиз ўз миллий хусусиятлари ва анъаналарини инобатга олган ҳолда демократик ҳуқуқий давлат қуришга киришди.

Шу тadbирларни амалга оширишда ҳуқуқий демократик давлат қуриш, қонунчиликни мустақамлаш ва ижтимоий адолатни қарор топтириш, маънавий ва маданий ривожланишнинг устувор йўналишларини белгилаш, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва бошқа ма-

лоқ жойларда) қатор қийинчиликлар туғдириши мумкин. Ҳаётнинг ўзи энг катта қози. Бу масала бўйича ҳам у ўз хулосасини беради, деган фикрдамыз. Лекин, айрим қийинчиликлар бўлишига қарамастан, энг муҳими — судларни ташкил этиш механизмининг жорий этилиши суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этишда муҳим воқеалик бўлди.

Конституцияимизнинг 107-моддаси 2-қисмида судларни ташкил этиш ва уларнинг фаолият қўрғатиш тартиби қонун билан белгиланиши ҳақида сўз боради.

қарор қабул қилиш ҳуқуқи берилди.

Конституцияда белгиланган қондаларга амал қилган ҳолда прокуратура органларининг фаолиятида ҳам улкан ўзгаришлар рўй бермоқда. Улар ўзларининг иш услубини такомиллаштирмоқдалар. Барча қўчаларни инсон манфаатларини ҳимоя қилишга қаратмоқдалар ва ақсарият ҳолларда ошқоралик тамойилига амал қилган ҳолда халқ ичига кўпроқ кириб боришга, унинг бугунги фикрини билиш, дарди ва муаммосига шерик бўлишга, уларнинг муаммолари ма-

ҲАҚ-ҲУҚУҚЛАРИМИЗ КАФОЛАТИ

РЕСПУБЛИКАМИЗ Президентининг 2001 йил 4 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»-ги Фармойиши Конституцияимизнинг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини, маъно-мазмунини ва моҳиятини ўрганиш, ёш авлоднинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятини тарбиялаш ҳамда юксалтириш ва тарғиб-ташвиқ қилиш мақсадида қабул қилинди.

Жамиятимизнинг ҳар бир фуқароси ўзи билганча эмас, балки ўз ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини кафолатловчи Қонунга таянган ҳолда келажаққа интилиши лозим. Биз уни чуқур ва мукамал билишимиз ҳамда жамоа орасида доимо тарғибот ва ташвиқот қилиб боришимиз даркор.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан меҳнат жамоалари, маҳаллалар, ўқувчи ва талабалар орасида олиб борилаётган ҳуқуқий тарғибот ишларида мақсад ҳам фуқароларимизнинг қонун билан ҳимояланган ҳуқуқ ва манфаатларини билишлари ҳамда қонун талабларини ўрганишларига қаратилган.

Фуқароларнинг Ўзбекистон Конституцияси билан белгиланган барча ҳақ-ҳуқуқларининг таъминламини қонун меъёри билан назоратга олинган ва уларнинг бузилишига йўл қўйилмайди.

Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ҳамда манфаатларини тарғибот ва ташвиқот қилишда амалий ва ҳаётий тажрибага эга мутахассислардан кенгроқ фойдаланиш асосий ўрин тутди.

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»-ги фармойишида қўйилган талаблар айнан Республикаимиз Конституцияси ва бошқа қонунларини халқ онгига етказиб бериш, фуқароларнинг ҳуқуқий билим савиясини янада ошириш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари юзасидан қилинаётган мурожаатларнинг қонуний ечимини топишга ёрдам бериш каби бир қатор вазифаларни олдимизга қўйди. Буни билиш, унга амал қилиш ҳаммамиз учун муҳим вазифадир.

Яна бир муҳим масала ёш авлоднинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятини тарбиялаш ҳамда юксалтириш. Биз ёшлар тақдирига қандай муносабатда бўлсак, улар ҳам келгусида ёшлар тақдирига худди шундай муносабатда бўлади-лар.

Хулоса қилиб шуни айтишни истардимки, ўзини шу юрт фуқароси деб билувчи ҳар бир одам бу масалага бефарқ қарамаслиги лозим. Зеро, юрт равнақи учун ҳар биримиз курашмоғимиз даркор.

Ш. ИКРОМОВ,
Республика Бош прокуратурасининг
бўлим прокурори

КОНСТИТУЦИЯГА БАФИШЛАНДИ

Яқинда Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасида Конституция кўнига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Уни республика прокурори, 3-даражали давлат адлия маслаҳатчиси Х.Халимов олиб борди.

Қорақалпоғистон Давлат университети проректори, Б.Матмуратов, Нукус Давлат педагогика институтини ўқитувчиси С.Содиқов, Қорақалпоғистон халқ шоири Т.Қобулов, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирини ўринбосари К.Аллашова ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Тадбирда сўзга чиққан Нукус Давлат университетининг талабалари Конституцияимизнинг асл моҳияти ва мазмунини ёшлар орасида кенг қўламада тарғиб этиш, тушунтириш ҳалиям қаноатланарли даражада эмас эканликлари ҳақида музокара юритиб, келажагимиз бўлими ёшларни ўз Конституциясини яхши билиши, бу буюк келажақ гарови эканлиги тўғрисида фикр билдирдилар.

(Ўз муҳбиримиз)

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ НЕГИЗИ

салаларни тарғибга солувчи Асосий Қонунни қабул қилиш кўн тартибига қўйилди. Президентимиз бошчилигида Конституция лойиҳаси ишлаб чиқилди ва икки марта умумхалқ муҳокамасига қўйилди. Натижада мамлакатимизнинг Асосий Қонуни 1992 йил 8 декабрда ўн иккинчи қаҳриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида яқдиллик билан қабул қилинди. Табиғики, Конституция Асосий Қонун бўлганлиги тadbирли, у жамиятдаги барча ҳуқуқий муносабатларнинг мағзини, моҳиятини ифодалайди.

Шунинг учун ўтган давр мобайнида Конституциянинг қатор қондаларни асосида бир қанча кодекслар бунёд этилди.

Суд тизимини ҳуқуқий ислоҳ қилиш йўналишида ҳам қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган талай ишлар амалга оширилмоқда.

Конституцияга асосан суд қонун чиқарувчи, ижро тadbирлардан кейин ўнчинчи ҳокимият бўлиб, давлатнинг анда шу асосий таянчлари қаторидан ўрин олди.

Суд-ҳуқуқ тизимидаги ўзгаришлар, ўтказилаётган ислохотлар Конституцияда белгиланган қондаларни амалиётга мослаган ҳолда, уларни ривожлантиришга қаратилган мақсад ва вазифаларни амалга оширмоқда. Масалан, Конституцияимизнинг 112-моддасида судьяларнинг мустақиллиги, уларнинг фақат қонунга бўйсунishi, одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тadbирда аралашшига йўл қўйилмаслиги ва бундай аралашши қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши қўрғатилган. Бу қонда «Судлар тўғрисида»-ги янги таҳрирдаги Қонуннинг 4-моддасида янада ривожлантирилди.

Қонунларни давр талабига мослаштириш муҳим жараён бўлса-да, бироқ уларни ҳаётга тadbир этиш механизми бўлмаса, бундай қонун ўзининг моҳиятини йўқотиб, қозғода қолиб кетиши мумкин. Шунинг учун қабул қилинган қонунларни амалиётга жорий этиш механизми ишлаб чиқилмоқда. Масалан яқин кўнларга қадар судларда битта судья ҳам фуқаролик ҳам, жиноий ва бошқа ишларни қўриб, хал этар эди. Бундай тартиб билан одил судловни амалга ошириб бўлмаслигини назарда тутиб, судьяларни ихтисослаштиришга эътибор берилди. Судьяларнинг ихтисослашуви оид механизми Президентимизнинг 2000 йил 14 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида»-ги Фармонида белгилаб берилди. Ушбу Фармонга қўра, 2001 йил январидан бошлаб судлар фуқаролик ва жиноий ишларни қўридангина алоҳида судларга бўлинди. Фуқаролик судлари эса туманлараро судларга айлантирилди.

Судьяларнинг ихтисослашуви Европадаги, Америка Қўшма Штатлари ҳамда бошқа ривожланган давлатларнинг тажрибаси асосида амалга оширилмоқда. Бу албатта ўзининг ижобий самарасини беради. Бироқ фуқаролик судларига туманлараро судлар ваколатининг берилиши фуқароларнинг, умуман аҳолини суд идораларидан узоқлаштириши ва мурожаат этишлари учун (айниқса киш-

Бу соҳада муҳим ишларни амалга оширилганлиги амалиётдан маълум.

Муқаддам судлар фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилди эди. Эндиликда эса Конституциянинг юқорида баён қилинган нормаси асосида судлар фаолиятини моддий-техника ва молия жиҳатдан таъминлаш вазифаси Адлия вазирлиги қўшида тузилган департамент зиммасига юқлатилди. Бундай қонданнинг киритилиши амалда судларнинг мустақиллигини таъминлашга қаратилган тadbирлардан биридир.

Судьяликка қадрлар танлаш масаласи янги таҳрирдаги «Судлар тўғрисида»-ги Қонун қабул қилинганга қадар суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишда муаммолар масалалардан бири бўлиб ҳисобланар эди. Шу тadbирли суд қадрларини танлаш ва тайинлашнинг ўзига хос механизми ишлаб чиқилди.

Янги таҳрирдаги «Судлар тўғрисида»-ги Қонуннинг 11-моддасида белгиланганидек, республикамиз юридик-циясида кирувчи судлар ва ҳўжалик судларининг фаолиятини ташкилий таъминлаш судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг қонунга бўйсунishi принципларига қатъий риоя қилинган ҳолда Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги судьяларни танлаш ва лавозимларга тасвия этиш бўйича олий малака комиссияси томонидан амалга оширилаётган бўлди. Комиссиянинг зиммасига судьяларни танлаш ва жой-жойига қўйилишнинг демократик асосларини такомиллаштириш чора-тadbирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, суд қадрларини танлаш ва Президент тасдиғига тасвия этишда қонунийликни таъминлаш, уларнинг мустақиллигини мустақамлаш ва ижтимоий ҳимоя қилинишига қаратилган тadbирларни амалга оширишдек муҳим вазифалар юқлатилган бўлиб, муқаддам бу борада юз бериб турган айрим англашилмоғчилик ва чалкашликларга барҳам берилди. Эндиликда Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларида малака ҳайъатлари ташкил этилган бўлиб, улар судьялар захирасини шакллантириш, шунингдек, лавозимларни тўлдириш учун номзодлар ҳақида олий малака комиссияга тақлифлар киритиш вазифасини бажармоқдалар.

Суд департаментининг ваколатлари ҳам аниқланди. Булар: судьялар малакасини оширишни ташкил этиш, судларни моддий техника ва молиявий жиҳатдан таъминлаш, халқ маслаҳатчилари сайловини ўтказиш ишларини, суд қарорларини ижро этиш ишларини ташкил этиш ва қонунда белгиланган бошқа вазифалардан иборатдир.

Одил судловни амалга оширишни янада такомиллаштириш мақсадида «Судлар тўғрисида»-ги янги таҳрирдаги Қонунда судлов босқичи кенгайтирилиб, апелляция институти киритилди. Бу босқичда биринчи инстанция судлари томонидан йўл қўйилган хатоларни ўз вақтида бартараф этиш, атоқча яқка тартибда қўрилган фуқаролик ва жиноят ишларини қайта текширишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унинг ваколатига ишни мазмунан қайта қўриб, тегишли

салаларининг ечимини топишга баҳоли қудрат қўмақлашмоқдалар. Эндиликда фуқаролар прокуратура органларини фақат жазоловчи орган эмас, балки уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи орган сифатида ҳам баҳоламоқдалар.

Юртбошимиз Олий Мақлисининг иккинчи қаҳриқ олтинчи сессиясидаги маърузасида бизнинг бугунги ҳуқуқий доктринамиз мутлақо янгича демократик тамойилларга асосланганлиги тўғрисида гапириб, асосий вазифамиз Ўзбекистон Конституцияси талабларига қўра инсон ҳуқуқлари устуворлигини таъминлашдан инсонини ҳимоянинг бош субъектига айлантиришдан, унинг ҳаёти ва соғлиғига қилинадиган суиқасдлардан ҳимоя қилишдан иборат бўлиши лозимлигини қўйинчилик билан таъкидлаб ўтдилар. Шу босишдан ҳам прокуратура органлари жазони эркинлаштиришга қаратилган қатор тadbирларни амалга оширишда, фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий нормаларни либераллаштиришда фаол иштирок этмоқдалар.

Конституцияимиз ўтган давр ичида ўзини куч-қудратини, буй-бастини қўрғата олди. Президентимизнинг қўрғатмаларини амалга оширишда, Конституция нормаларини фуқароларнинг онгига сингдиришда, ҳуқуқий маданиятни оширишга қаратилган чора-тadbирларни амалга оширишда астойдил хизмат қилиш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир.

Шоақбар ШОРАҲМЕТОВ,
ТДЮИ профессори,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат қўрғатган юрист

СОВРИНЛАР ТОПШИРИЛДИ

ЯҚИНДА Ўзбекистон Конституциясининг 9 йиллиги муносабати билан Наманган вилоят прокуратура идоралари ходимлари ўртасида футбол мусобақаси бўлиб ўтди. Унда 9 та футбол жамоаси вилоят прокуратураси қасаба уюшмаси қўмитаси ва «Дие-нат» газетаси соврини учун беллашдилар.

Бир ҳафта давомида Наманган шаҳридаги «Динамо» спорт мажмуаси вилоят прокуратураси маҳкамаси, шаҳар ва туман прокуратуралари терма жамоалари ҳамда миллионлар ўйини — футбол ишқибозлари билан тавжум бўлди. Беллашувлар қизгин ва муросасиз бахслар остида ўтди.

Дастлабки учрашувлардаёқ ўзининг уюшқоқлиги, тўпсуриш бобидаги қанқонлиги ва маҳорати билан ажралиб турган вилоят прокуратураси маҳкамасининг 1-гурӯх футбол жамоаси биринчи ўринни қўлга киритди. Иккинчи ва ўнчинчи ўринлар эса маҳкаманинг 2-гурӯхига ҳамда Норин-Учқўрғон-Уйчи туманлар прокуратуралари идоралари ходимларидан тарқиб топган жамоага насиб этди.

Конституция кўни муносабати билан гоилибларга тантанали равишда совринлар ва қимматбаҳо совғалар топширилди. Вилоят прокурори Ф.Барноев гоилибларни табриқлаб барчани ижтимоий-сиёсий ҳаётда ҳам мана шундай фаол бўлишга ундади. Шунингдек,



қонун ҳимоячилари ўртасидаги бундай беллашувларни янада оммалаштириш лозимлигини таъкидлади.

Мусобақа якунига қўра, голиб жамоалар билан биргаликда энг яхши ҳўжумчи, дарвозабон, ҳимоячи, энг кўп тўпурав ва энг фаҳрий ўйинчи ҳам қимматбаҳо совғалар топширилди.

Бир сўз билан айтганда, Конституциянинг 9 йиллигини Наманган вилояти прокуратура идоралари ходимлари мана шундай қўтаринкилик ва ўзига хос байрам тарзида қўтиб олдилар.

А.МАДАТОВ,
«Ҳуқуқ» муҳбири

Суратда: Мусобақа гоилиблари

ДЕМОКРАТИЯНИНГ МАШАҚҚАТЛИ ЙЎЛИ

(Бошлангичи 2-бетга.)

Жазо содир қилинган қилмишининг ижтимоий ҳафлига мос ёки мос эмаслиги, судланувчига озодликдан маҳрум этиш ёки бошқа жазоларнинг қўлланилиши мақсадга мувофиқ ёхуд мувофиқ эмаслиги, айбдорнинг шахси ва бошқа масалалар судда иштирок этаётган прокурорнинг диққат-эътиборида бўлиши керак.

Прокуратура ходимлари ҳар бир жиноят ишини кўришда виждонан ва қонунга асосланган ҳолда муносабатда бўлса адолат мезонини таъминлашга катта ҳисса қўшадилар, деб қўшалайман.

Мартен Хенкер, Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:

— Ўзбекистон суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш ва либераллаштириш масалалари ҳақида гапирганида, бозор иқтисодига асосланган демократик давлатнинг судьялари, прокурорлари ва бошқа маъмурий идоралар ходимлари олдида қанчалик оғир вазифа турганини мен яна бир бор англаб етдим. Бизда бу жараён юз йилдан ортиқ давр мобайнида шаклланган. Менга Президентининг демократик давлат асосларини ривожлантириш учун қилаётган фидойилиги қаттиқ таъсир этди. Немис миллати вакили ва Европада таълим олган юрист сифатида бу ташаббусни тўлиқ қўллаб-қувватлайман.

Жиноят ҳуқуқини либераллаштириш ва демократлаштириш Ўзбекистон учун янги

мавзу ҳисобланади. Собиқ совет иқтисодий тизими маҳкумлар сонини кўпайтириш, улардан меҳнат лагерларида фойдаланиш мақсадидан келиб чиққан. Советлар юстицияси имкони борича кўлаб маҳкумларни сақлашни хоҳлаган вақтида, Германияда, нацистлар даврини ҳисобга олмаганда, маҳкумлар сонини камайтиришга ҳаракат қилиб келинган.

Иқтисодий томондан қараганда ҳам маҳкумларни сақлаш учун жуда катта маблағ талаб этилади. Бундан ташқари, қамқоҳналар маҳкумлар учун зўр жиноий мактаб ҳисобланади.

Сизларнинг олдингизда яна бир муҳим ва ўта мураккаб бўлган вазифа — ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш вазифаси турибди. Мен ҳуқуқий ривожланиш йўлида сизларга омад тилайман ва бу борада биз сизларни имкони борича қўллаб-қувватлаймиз.

Конференция давомида, шунингдек, бошқа бир қанча халқаро ташкилотлар вакиллари ҳам сўзга чиқдилар. Улар Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг умумэтироф этилган халқаро меъёрларга мослиги, бу борадаги қонунчилик амалиётининг ўзига хос жиҳатлари, тажриба ва муаммолар хусусида фикр-мулоҳаза билдирдилар. Амалдаги қонунларни янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар айтилди.

Д.ХАЛИЛОВ,
«Ҳуқуқ» муҳбири

● ХОТИРА УЙҒОНСА ГЎЗАЛДИР

Остон Турсуновни эслаган одамнинг ҳаёлида пахлавонсифат, донишманд инсон киффаси намоён бўлади. Дарҳақиқат, оддий қишлоқ йигитидан генераллик мундирини кийиб, вилоят прокурори даражасига кўтарилган Остон ақанинг ҳаёт йўли ёшларга ибратдир. 22 йилдан ортиқ вилоят прокурори бўлиб ишлаган Остон ака прокуратура фаолиятининг турли йўналишларида хизмат қилди. Хизмат қилганда ҳам бутун куч ва билимини ишга солиб астойдил хизмат қилди. Шунинг учун ҳам унинг номини ҳавас ва ифтихор билан эслашди.

У Қарши туманининг Гунгон қишлоғида боғбон оиласида дунёга келди. Етти фарзанд



республикада обрў-эътибори борлигини

лар айтиб, қонунчиликини мустақкамлаш йўлидаги фаолиятини давом эттирди. Остон ақанинг олти-миш йиллик тўйи унинг дўстлари нақадар кўпчилигини, бутун

УСТОЗ ЁДИ

орасида Остон ака биринчилардан бўлиб олий маълумот олди.

1949 йили ўрта мактабни олтин медал билан тугатди. Ким бўлса экан? Қишлоқ кахҳудолари унга Ўрта Осиё Давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетига ҳужжат топширишни маслаҳат беришди. Кейин талабалик йиллари бошланди. Қундузи машаққат билан фан мағзини чақса, кечалари темирйўлда юк ташувчилик «сир-ини» ўзлаштирди. Илм йўлидаги заҳмати зое кетмади. Ўқинишни битиргач, бир йил ишламай, вилоят прокуратурасининг бўлим бошлиғи вазифасини бажарувчи бўлди. Кўп ўймай лавозимга тайинланди. Ёш ҳуқуқшунос кеча-ю кундуз меҳнат қилди, тажриба тўплади, касб маҳорати сайқал топа бошлади. Бу билан кифойланмай раҳбарлар тайёрлайдиган Олий прокуратура курсида малакасини оширди. Ҳайратли ҳуқуқшуносни вилоят прокурори вазифаларига лозим топилди.

У бу ишончни оқлади. Мукофотлар олди. Энг олий мукофот Қашқадарё, Бухоро, Сурхондарё вилоятлари аҳлининг ҳурмат-эътибори бўлди. У ишлаган даврларда маъзур вилоятларда жиноятчилик бир қадар камайди.

Остон ака мустақиллиқни улкан бахт деб қабул қилди. Шу кунларга етганига шукрона-

кўрсатди. У раҳбарлик лавозимида ишлаб, катта-катта қошоналар қўрмади. Мўъжазгина ҳовлига қаноат қилди. Шу ҳовлида ажойиб иқтисодчилар, ўқувчилар, ирригаторлар, модельер етишиб чиқди. Лекин қафатгина ҳуқуқшунос йўқ. Эҳтимол, отанинг машаққатли меҳнати чўчигандир фарзандларни.

У пенсия даврида Қарши шаҳар прокуратурасида ишлар экан, ўзига имтиёз талаб қилмасди. Ёшлар қатори меҳнат қиларди. Шогирдлари учун эса «жонли энциклопедия» билан ёнма-ён ишлаш мароқли ва осон эди.

Остон ақани сўнгги йўлга қузатишганда тобут қўлма-қўл бўлган эди. Ҳар ким сўнгги эҳтиромини адо этмоққа ошиқарди.

Остон ақани эслаганда, у кишининг турмуш ўртоғи Ойдин олани эсламай бўлмас. Прокурорнинг оғир кунларига таянч бўлган шу азиз аёл эди.

Остон ақани эслаганда, у кишининг турмуш ўртоғи Ойдин олани эсламай бўлмас. Прокурорнинг оғир кунларига таянч бўлган шу азиз аёл эди.

Баҳодир ҚОРАЕВ,
Республика Бош прокуратурасининг
кадрлар бошқармаси прокурори

«ХУҚУҚ» почтасидан

ҚАЙСИ БАНК КРЕДИТ БЕРАДИ?

Ҳурматли таҳририят!

2001 йил 18 июль кўни Президентимизнинг олий ўқув юртида ўқиётган талабаларга таълим кредитлари ажратиш тўғрисидаги фармони эшитиб, беҳад хурсанд бўлган эдик. Лекин севинчимиз узоққа чўзилмади. Сабаби, менинг ҳам иккита фарзандим Низомий номидаги ТДПУ да контракт асосида таълим олмоқда. Бири билогичи факультетининг 4-курсиди, иккинчиси ўзбек тили ва адабиёти факультетининг 2-курсиди. Фармонга асосан таълим кредити олиш учун Беруний туманидаги учта банкка: «Пахтабанк», «Галла-банк», «Халқ банки»га мурожаат қилдим, бироқ аризмани қабул қилишмади.

Нихоят, туман ҳокимияти молия бўлимига мурожаат қилдим, улар: «Аризманинг «Халқ банки»га юбоярляпти, ўша банкка бораверинг» дейишди. Бир неча марта бордим. Банк бошқарувчиси С.Отабоева менга: «Сиз рўйхатда борсиз, аммо аризманинг қабул қила олмайман, чунки пул ажратиш учун маблағимиз йўқ», - деб, гапни калта қилди. Шу масалада ёрдам беришларингизни сўрайман.

Ражаббой ҚОДИРОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси
Беруний тумани

ЯХШИ БЎЛДИ-Ю, БИРОҚ...

Меҳнатнинг айби йўқ. Қандай бўлмасин, ҳалол нон топиб, рўзгор тебратиш керак. Бировга зиёнимиз тегмаса, болаларимиз камлик кўрмай вояга етса, ана шунинг ўзи биз учун катта бахт.

Туманимизда «Бизинтуб-Челак» МЧЖ ташкил этилган, ўша ерда ишлаб бошлаган эдик. Шу йил март ойдан бошлаб туғруқ (декрет) таътилига чиқдим. Мана, орадан бир неча ой ўтибди ҳамки, иш ҳақи ҳамда таътил учун бериладиган пулни ололмаяман. Идорага кўп қатнадим. Раҳбаримизга ҳам учраб кўрдим.

Натижа бўлавермагач, туман прокуратурасидан ёрдам сўрашимизга тўғри келди. Иккилана-иккилана қилган мурожаатимни улар ўша заҳотиёқ инobatга олишди. Туман прокуратураси киритган даъво аризмаси мувофиқ фуқаролик ишлари бўйича Иштихон туманлараро суди менга тегишли бўлган 49531 сўмлик иш ҳақи ва туғруқ таътили учун бериладиган пулларни тўлиғича ундириб берди.

Аризмни тинглаб тезда чора кўрган прокуратура ходимларига раҳматлар айтаман.

З.ҲАМРОЕВА,
Челак тумани

ТАБИАТГА МЕҲР

АСОСИЙ Қонунимизни қўлга олган ҳар бир фуқаро унинг ҳамма учун тушунарли тилда ёзилганига ғувоҳ бўлади. Бироқ айрим олий маълумотли кишиларга Конституциямиз ҳақида бир савол билан мурожаат қилсангиз жавоб беролмайди. Менимча юртимизда яшаётган ҳар бир инсон Асосий Қонунимизни чуқур билиши керак. Кейинги пайтларда қомусимизни ўргатиш боғчалардан бошланди. Болаларимизни Ватанга садоқатли қилиб тарбиялашда энг аввало уларнинг мурғак қалбида табиатга меҳр уйғотиш керак. Асосий Қонунимиз 55-моддасида «Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиат заҳиралари умуммиллий бойлиқдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир» дейилган.

Менинг назаримда, Асосий Қонунимизнинг ана шу моддаси болалар боғчасидаги тарбияланувчиларга суратлар ва кўргазмалар ўқув қуроллари билан ўргатилса яхши бўлади. Чунки мурғак қалбнинг манзараларга қизиқиши кучли бўлади ва онгига тез етиб боради.

Ф. ЗУЛФИҚОРОВА,
Сирғали туманидаги
562-боғча мудириси

КИМГА ИШОНИШ КЕРАК?

Биз ўзимни яшаётган «Олмазор» хўжалигидан ер олиб, фермер хўжалиги ташкил қилмоқчи эдик. Бироқ турли қаршиликларга дуч келяпмиз. «Мен ер бера олмайман. Бу масалани Нукусдаги раҳбаримиз, илмий ишлаб чиқариш академияси раиси профессор С.Шамиев ҳал қилади», дейди хўжалик раиси Х.Ешембетов. Бу 2000 йил октябр ойида бўлган гап. Биз шундан кейин Нукусда С.Шамиевнинг олдига бордик. У киши бизга бу йил кеч қолганимизни айтиб, 2001 йил сентябрда албатта ер беражасини вағда қилди. Мана, ушундан буён бир йилдан кўпроқ вақт ўтди ҳамки, масала ҳал бўлгани йўқ. Раисимиз Х.Ешембетовнинг эндиги гапи бўйича хўжалик ерларини фермерларга бўлиб бериш мумкин эмас экан. Биз кимга ишонишимиз керак?

А.АЙТИМБЕТОВ, Й.УРОЗБАЕВ,
Қорақалпоғистон Республикаси, Беруний тумани

«ХУКУК»ий маслаҳатхона

Саволларга ҳуқуқшунос Д. Халилов жавоб беради

Илгари Мудофиа вазирлигига тегишли бўлган, 1993 йилда хусусийлаштирилган хонадонни ҳарбий кишидан сотиб олган эдим. Барча ҳужжатларни қонуний тарзда нотариус орқали расмийлаштирдим. Лекин КЭЧ мени мазкур уйга рўйхатга қўйишга тўққилик қилапти. Уйни сотиб олган одам ўз уйига рўйхатга қўйилишига ҳақли эмасми?

К.ШАРИФЖОНОВ,
Тошкент шахри

Мурожаат мазмунидан кўринишича, уй ҳалигача Мудофиа вазирлиги ҳисобида туради. Чунки «Давлат уй-жой фондларини хусусийлаштириш тўғрисида»ги Қонуни мувофиқ уйнинг қиймати тўлиқ тўланиб хусусийлаштирилган бўлса, сизга белгиланган намунадаги ордер берилиши лозим. Ва шу пайтдан бошлаб сиз уйга эгалик қилиш ҳуқуқини қўлга киритасиз.

Ордер — хусусийлаштирилган уй-жой учун қонуний эгалик ҳуқуқини берувчи ҳужжат ҳисобланади. Ордер эгаси уйни бошқа шахсга сотиши; ижарага бериши, ҳақ қилиши ҳамда ундан қонунарга зид бўлган бошқа мақсадларда фойдаланиши мумкин.

Агар сиз Тошкент шахрига бошқа вилоятдан келган бўлсангиз, рўйхатга кириш масаласи Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 26 февралдаги қарориди белгиланган тартибга мувофиқ ҳал этилади.

Турмуш ўртоғим билан никоҳимиз 2000 йилнинг октябрь ойида суд орқали бекор қилинган эди. Орада бир фарзандимиз бўлганлиги учун судда у келаси ойдан бошлаб алиментни ихтиёрий равишда тўлашга рози эканлигини айтган эди. Шундан бери орадан бир йил ўтди. Лекин шу вақтгача на алиментдан, на уни тўлайдиган одамдан дарак йўқ. Эшитишимча у бошқа жойга кетиб қолган экан.

Уни топиши ва фарзандимга алимент ундириш учун нима қилиш керак?

Ш.РАХИМОВА,
Қашқадарё вилояти, Косон тумани

Бунинг учун собиқ турмуш ўртоғингиздан алимент ундириб бериш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат этиш лозим.

Суд ариза билан танишиб чиққач, томонларга (даъвогар ва жавобгар) мурожаат юзасидан суд жараёни ўтказиладиган вақт ҳақида хабар қилади. Агар жавобгарнинг яшаш жойи номаълум бўлса, унинг охириг яшаш жойидаги алоқа ташкилоти, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи ёхуд охириг иш жойи маъмуриятидаги мансабдор шахсга қақирув қозғонинг иккинчи нусхаси топширилади. Шундан кейин ҳам жавобгарни топиш имкони бўлмаса, суд ички ишлар органини жавобгарни қидириши тўғрисида ажрим қилари ва ишчи жавобгар тоғилгунига қадар қолдиради.

Н. исми шахсга турмушга чиққан эдим. Фарзандли бўлдим. Лекин, турмушимиз келишмай никоҳимиз суд орқали бекор қилинди.

Оилавий бахтсизлигим етмагандай, шу йилнинг 20 июнида автоавариёга учраб, қаттиқ шикастландим. Касалхонада тўрт ой даволандим. Лекин барибир, чап қўл ва оёғим унча хайш ишлайаяпти. Шу сабабли ишлайётган жойимдан кетишга мажбур бўлдим.

Ҳозирда ўртадаги фарзандимиз учун ундан алимент олиб тураман. Аммо бу алимент ва менинг ҳозирги маошим оилам учун камлик қилапти. Мен алимент мқдорини оширишни талаб қилишни мумкинми?

Б.ЗАРИПОВА,
Бухоро вилояти

Оила кодекси талабига кўра, алимент мқдори боланинг манфаатларини, уни тўловчи шахснинг моддий аҳволини ҳисобга олган ҳолда қўпайтирилиши ёки камайтирилиши мумкин.

Лекин сиз билан боғлиқ ушбу ҳолатда бошқача вазият бўлиши мумкин. Сабаби, Оила кодексиди белгиланган қоидага мувофиқ, агар хотин (эр) никоҳга киргунга қадар меҳнатга лаёқатсиз бўлса ёки никоҳ бекор қилингандан кейин бир йил давомида меҳнатга лаёқатсизлиги ҳолати белгиланган бўлса, меҳнатга лаёқатсизлик туғатунга қадар собиқ эрининг таъминот олиш ҳуқуқига эгасиз. Бунда, эр-хотиннинг қанча муддат никоҳда бўлганлиги ҳисобга олинмайди.

Юқоридигиларга асосланган ҳолда эр-хотиннинг никоҳи тўғатилганда, бир-биридан таъминот олиш масаласини ҳал қилишда уларнинг меҳнатга лаёқатсиз бўлганлик даврлари қачондан бошланганлиги ва қанча муддат никоҳ муносабатларида бўлганликлари ва албатта муҳтожлик даражаси эътиборга олинади.

Бундан ташқари, никоҳ бекор қилинганда, эр ёки хотин бир-биридан қуйидаги ҳолларда таъминот олишга ҳақли бўлади:

— собиқ хотин ҳомиладорлик даврида ва ўртада бола туғилгандан бошлаб уч йил давомида;

— ўртадаги ногирон бола ўн саккиз ёшга тўлгунча ёки болаликдан 1-гурух ногирони бўлган болага қараган ёрдамга муҳтож собиқ хотин (эр);

— никоҳдан ажралгунга қадар ёки никоҳдан ажралган пайтдан бошлаб бир йил давомида меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолган ёрдамга муҳтож собиқ хотин(эр);

— никоҳдан ажралган пайтдан бошлаб беш йил ичида пенсия ёшга етган ёрдамга муҳтож хотин (эр), агар эр-хотин узоқ муддат никоҳда турган бўлса суд тартибиди алимент талаб қилишга ҳақли.

Лекин шуни унутмангки, эр-хотиннинг бир-бирига таъминот бериш ҳуқуқи билан фарзанд учун тўланадиган алимент бир-биридан фарқ қилади.

Хотин(эр)нинг никоҳдан ажралгандан кейин таъминот талаб қилиш ҳуқуқи юқориди қайд этиб ўтилган ҳолатларда вуҳудга келади. Яъни бу эр-хотиннинг бир-бири олдиди мажбуриятидир.

Фарзанд учун алимент эса, қонунда белгиланган ҳолларда хотин(эр)нинг таъминот талаб қилиш ҳуқуқидан ташқари, фарзандлари учун у 18 ёшга тўлгунга қадар таъминлаш мажбуриятидир. Бу икки категорияни бир-бири билан аралаштириб юбормаслик керак.

● САФАР

ЮРИСТ БАРРИСТЕРЛАР ҲИМОЯСИДА

(Ўзбекистонлик ҳуқуқшуносларнинг Буюк Британияга ташифи хусусида)

БҮЮК БРИТАНИЯНИНГ Тошкентдаги элчихонаси тақлифига биноан Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг 30 кишидан иборат делегацияси 2001 йил 23 сентябрдан 6 октябргача Кембриж ва Лондон шаҳарларида Америка юристлари ассоциацияси ҳамда Буюк Британия элчихонаси бир-галикда ташкил қилган «Жиноят ишлари бўйича Англия суд процессларида инсон ҳуқуқлари» мавзусидаги ўқув дастурида тахсил олдилар.

Дастурни ташкил этишдан мақсад Англия ҳуқуқ тизимини ўргатиш, Ўзбекистондаги суд тизимини ислоҳ қилишда амалий ёрдам кўрсатишдан иборат эди.

Делегация Англияга учиб кетишдан илгари Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги Факултетада ва мухтор элчиси жаноб Кристофер Ингэм қабулида бўлди. Америка юристлари ассоциациясининг Тошкентдаги вакили жаноб Эллиотт Алхадееф ушбу учрашувда иштирок этди.

Ўқув дастури доирасида биринчи ҳафта давомида Кембриж ва Лондон университетлари ўқитувчиларининг Англиядаги одил судлов тарихи ва мезонлари, уларнинг халқаро андозаларга қанчалик мослиги тўғрисидаги маърузалари тингланди. Сўнгра тингловчилар унга ғуруҳга бўлиниб Лондондаги судларни, магистратларни, Қироллик судини, Олий судлов, яъни Англия Олий судининг биринчи инстанциясини, Брамхиллдаги Полиция коллежини, Лондон шаҳрининг Черинг Гросс полиция участкасини, Англиянинг икки даражадаги турмаларини бориб кўрдилар. Тингловчилар ушбу муассасаларда судлар ва полиция фаолияти, шунингдек, мамлакатнинг жазони ижро этиш муассасаларида судланганларни (маҳкумларни) сақлаш шарт-шароитлари билан танишдилар.

Лондондаги Империя уруши музейида бўлиб ўтган конференцияда делегация аъзолари турмалардаги маҳбуслар ҳуқуқлари бўйича омбудсман жаноб Дэвид Барнс билан учрашдилар. Жаноб Барнс Англия ва Уэльс турмаларида сақланаётган маҳбусларнинг шикоятларини текшириш бўйича ўзининг ваколатлари хусусида сўзлаб берди.

Тингловчилар, шунингдек Шимолий Лондон университетининг «Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари» кафедраси профессори, Европа Иттифоқи ҳуқуқ эксперти Билл Бауринг ҳамда Англия судларида амалиётни ўрганаётган барристерлар ва солиситорлар билан учрашдилар.

Делегация сафарининг сўнгги куни, яъни 6 октябрда Лондондаги Ўзбекистон элчихонасида меҳмон бўлди.

Сафар давомида қўзимизга ярқ этиб ташланган ҳўлатлар, яъни Англия ҳуқуқ тизимининг ўзига хосликлари қуйидагилардан иборат:

1) содир этилган жиноят

тўғрисида жабрланувчилардан туш-гани аризалар зудлик билан қайд-дан ўтказилади; уларни яшириб қолишга йўл қўйилмайди;

2) гумондорлар зудлик билан полиция томонидан қўлга олинади; полициячилар ўз ваколатларини қуролсиз амалга оширадиган ҳақда қўлга олинганларнинг барча ҳуқуқларига тўлиқ риоя қилган ҳолда судга бўлган суриштирув ва тергов жараёнини ўтказадилар. Бунда полициячиларнинг ўз хизмат мавқеларини суистемол қилишларига йўл қўйилмайди, зеро гумондорларни қўлга олиш ишлари билан махсус полиция сержантлари шўғулланадилар. Улар гумондорларни қўлга олишлари заҳоти қўлга олинган вақт, жой ва қўлга олиш сабаблари ҳақида баённома тузилади ва қўлга олинган шахсга барча ҳуқуқлари тушунтирилиб, химоячи (адвокат) билан таъмин-ланишига риоя қилинган ҳолда уни полиция участкасига топширилади;

3) қўлга олинганларнинг шах-сини аниқлаш бўйича барча замон-навий техника мавжуд; улар мар-казлаштирилган маълумотлар ба-засидан оператив ахборотларни зудлик билан оладилар;

4) тергов муддатларини ҳамда айбланаётганларни ҳибсда ушлаб тур-иш масалаларини судлар ҳал этади;

5) Қироллик прокурорлик хиз-мати прокуратура институти вази-фасини ўтайди. Ташкилот судлар-да терговни амалга оширган поли-ция номидан қораловчи ролнида иштирок этади. Шу мақсадда бу ташкилот юрист барристерларни ишга ёллайди. Улар турли жиноят ишлари қилишида айбловчи ва судланувчи манфаатларининг химоячиси сифатида ҳам иштирок этишлари мумкин;

6) Англия ва Уэльсда барча да-ражадаги судьялик алоҳида касб (профессия) эмас. Судьялар 20-25 йил давомида ҳуқуқ тизимида фа-олият кўрсатиб келаётган юрист барристерлар ва солиситорлар ичидан танланиб, умрбод судья-ликка тайинланадилар. Судьялар-ни Англия парламенти Лордлар па-латаси спикери, ҳукумат аъзоси Лорд Канцлер тайинлайди. Соли-ситорлик мустакил юридик касб бўлиб, уларнинг маълумоти ва тай-ёргарлиги энг юқори андозаларга мос келади. Бу андозалар улар-нинг профессионал ташкилоти бўлиши юристлар жамяияти томо-нидан ишлаб чиқилади. Улар ми-жозларга, шу жумладан хорижий фуқароларга ҳам кенг ўламада юридик хизматлар кўрсатадилар. Барристерларнинг профессионал ташкилоти Адвокатура Бош кенга-шидир. Бу ташкилот Лондон шаҳ-рида жойлашган. Барристерлар юридик маслаҳатчилар бўлиб, ми-жозларга ихтисослашган адвокат-лик хизматларини кўрсатадилар. Англия ва Уэльсда суд иш юритуви билан боғлиқ масалаларда мас-лаҳатчи вазифасини ўтайдилар;

7) Магистрат судларидаги қўпгина кам аҳамиятли ишлар про-фессинал судьялар эмас, балки суд маслаҳатчилари, яъни ўзига

хос муроасага келтирувчилар томо-нидан қўриб чиқилади. Улар мах-сус юридик маълумот олмаган бўлсалар-да, ўзларининг алоҳида билимдонликлари, тажрибалари ва ижтимоий мавқеига кўра суд мас-лаҳатчилигига сайлаб қўйиладилар. Уларга амалга оширган ишлари учун ҳақ тўланмаса-да, суд жамоа-сининг ҳурматли аъзолари ҳисоб-ланадилар;

8) суд жараёнида томонлар тенглигига тўлиқ риоя қилинса-да, судьянинг роли маълум маънода кечлаб қўйилган, яъни ҳақамал-ордада судланувчининг айбини исботлаб бериш вазифаси давлат айбловчиси зиммасига юклатил-ган. У судланувчининг айбини ҳеч қанда шубҳа қолдирмайдиган да-ражада исботлаб бериши лозим;

9) гумондор айбига иккоро бўлса, биринчи инстанция судида ишларни қўриб ҳал этиш тартиби анча соддалаштирилади. Буни айб-нинг тан олиниши ва ҳуқуқга рози-лик битими деб аташ мумкин (қарор судья томонидан чиқарилади);

10) Англияда маълум жиноятлар юзасидан кодекслар бўлмаса, одат-даги инглиз прецедент ҳуқуқи нор-малари қўлланилади. Бу нормалар 12-асрларда, Буюк Британия ерла-ри нормандлар томонидан истило қилинган вақтлардан бошлаб шакл-лана бошлаган. Бу ҳуқуқ принциплари шу ерларда умргузaronлик қилган қабилаларнинг урф-одат-лари ва анъаналарига асосланган. Бунда асосан қачон бўлганлигидан қатъий назар судда қўрилган ва ҳал этилган иш мезон қилиб оли-нади ва шу асосда конкрет бир иш ҳал этилади. Континентал Европа ҳуқуқида эса бунинг бугунлай ак-сини кўрамыз, яъни аввал қонун қабул қилинади, сўнгра қўлланади;

11) Лордлар Палатаси факат Англия ва Уэльс учун эмас, балки ўзларининг алоҳида суд тизимига эга бўлган Шотландия ва Шимолий Ирландия учун ҳам Олий суд ҳисоб-ланади. У апелляция шикоятлари-ни ҳуқуқ нормаси қўлланиши нук-таи назаридан қўриб чиқади. Бу инстанцияда ҳар бир иш бешта суд лорди таркибиди қўриб чиқилади. Европа Иттифоқи қоидаларга та-аллуқли ишлар қўрилаётганда Ло-рдлар палатаси маслаҳат сўраб Люксембургдаги Европа судига му-рожаат қилиши мумкин.

Бошқа соҳа ҳодимлари каби ҳуқуқшуносларнинг ҳам хорижий мамлакатлардаги ҳамкасбларининг иш услублари билан танишишлари борди-келди қилишлари ҳеч қачон фойдадан холи бўлмаган. Ўзбеки-стонлик ҳуқуқшуносларнинг Буюк Британияга қилган сафари хусуси-да ҳам шундай дейиш мумкин. Юқори даражада тараққий этган, сановатлашган мамлакат бўлиши Англия, унинг суд-ҳуқуқ тизими, полиция, суд ва бошқа ҳуқуқни му-ҳофаза қилувчи идоралар ҳодим-ларининг фаолияти, иш услубла-ри, делегациямиз аъзоларида ўзи-га хос таассурот қолдирди.

Н. МАСЛОВА,
Республика
Бош прокуратурасининг
бўлим катта прокурори

● СУД ОЧЕРКИ

Аёлнинг кўшни боғдан узум ўғирлаб ейиши оқибатида туғилган фарзанди нобакор бўлиб вояга етганлиги, унинг болалари эса ўзидан-да виждонсиз, ёвуз кимсалар бўлиб етишгани ҳақида ривоят бор. Бу ривоят «Ҳар бир ота-она етти пуштига жавобгардир» деган нақлнинг яна бир исботи. Лекин ҳамма ҳам бу нақлнинг маъини чақа билладими?

Бу оилада ҳам инқироз, парокандалик кеча бошлаганлигини оила аъзоларининг гап-сўзлари шундоқ аён қилиб қўяди. Муҳит бошқа, оддий оиладагига ўхшамайди. Меҳроқибат, қариндошлик бу хонадонга бегона. Ҳар ким ўзини ўйлайди. Бошқанинг кўзини ўйиб бўлса ҳам баландроқ мавқеда туришни истайди. Вазиятни юмшатиш ҳеч кимнинг ҳаёлига келмайди. Оила беваси — онани фарзандлари орасидаги келишмовчиликлар, умуман, уларнинг тарбияси қизиқтирмайди. Зеро, ўзи тарбияга муҳтож она болаларини қаердан ўйласин? Келинг, яхшиси воқеани ҳикоя қилсак, зукко муштарий ҳаммасини ўзи англаб етати.



ёхуд уканинг қай тахлит қотилга айланганлиги хусусида

Одатдагидек текин «ароқ»дан тўйиб олган Гулнора уйига судралиб кирди.

— Ҳой, ифлос, нима бало, жазман орттирдингми, дейман, — Илҳом опасининг ҳолатини ҳазм қилолмай, жазаваси туттиб, сўкина бошлади.

— Сенга нима, қўлингдан келса, сенам маишат қил, — Гулнора кўзларини сүзиб нари кетди.

— Яна бир йил-ярим йил ўтсин, кўрамиз ҳолинг не кечаркин. Итгаям керак бўлмай қоласан. Яхшии бозоринг ўтиб турганида биронтасини топиб эрга тегиб олсанг, уйли бўлармидинг.

— Сен ўзингни бил, сўтак, тенгқурларинг икки-уч марта уйланиб ажралишга улгуришяпти. Сен бўлсанг бир марта уйланишни ҳам эғпай олмайсан. Башаранга қара, кимам сени эр қиларди.

Илҳом, «сен билан паचाкилашиб ўтираманми», деди-да, ташқарига чиқиб кетди.

Гулнора хонасига кириб кўрпачага чўзилди. Укасининг «одаммас»лиги ҳақида анча ҳаёл сурди. Охири қўл силтади. «Менга нима, балога йўлиқадиган ўзи-ку». Бироқ аёл ўзи ҳақида ўйлаб қўришни истамайди. Енгилтақлик оқибатида ҳаётини издан чиқаргани, ичкиликка ружу қўйиб, шундоқ ҳам афтода умрини баттар ғариблаштиришганини ақл тарозисига солиб кўрмади. Мана қизи Нодиранинг ҳам бўйи етай деб қолди. У кимга эргашади? Шўрлик қизалоқ онасига ўхшамаслика аҳд қилган. Яхши ўқишга, дўстлари билан иноқ бўлишга интилади. Яхшиям мактаб бор экан. Қизалоқ маълум муддат бўлса ҳам наҳс босган хонадондан узоклашади. Аммо уйга қайтиши билан яна пароканда ҳаёт ўпқондай ўзига тартади. На бувиси, на онаси, на хола-тоғаси унинг мажруҳ дилига таскин излайди. Илҳом тоғаси-ку, қизни кўрарга қўзи йўқ.

— Сен онангдан ҳам баттар ифлос бўласан ҳали, — дейди гоҳида.

— Йўқ, мен яхши бўламан!

Нодиранинг қатъий жавоби Илҳомнинг қулгисини қистайди.

— Ў, ҳароми, вуҳудингда шайтонни қони оқияпти-ю, қандай яхши бўласан. Ҳали сени ўзим йўлдан ураман.

Нодира тоғасининг гапларини онасига айтмади, барибир бейфойда. Тоға эса, «ваъда»сини бажарди. Онаси йўқ кезлари Нодирани йўлдан уриш пайига тушди. Ниятига эришди ҳам.

Дарвоқе, опа-ука ва жиян учовлон бир хонада яшашарди. Опа ҳам, ука ҳам ҳеч қаерда ишламайди. Уларнинг жанжали ҳеч адо бўлмасди. Бир-бирини ҳақоратлаш, уйдан ҳайдаш одатий ҳолга айланган эди. Мая билан танишгач Илҳом опасига дағдагани кучайтирди.

— Хонани бўшатиб қўй, мен унга уйланмоқчиман.

Укасининг аллақандай фоҳиша билан топишиб олганлиги «ҳалол» опанинг нафсониятига теғди. Уйга маҳалла оқсоқоли ва миршабни бошлаб келиб, аёлни ҳайдаб юборди.

Ичида ўт билан қайтиб келган Илҳом опасини излади. Гулнора одатдагидек кечкурун маст ҳолда эшик олдида пайдо бўлди.

— Менга Маяни топиб бер, — қичқирди Илҳом. — Ё бошқасини келтир!

— Сенинг қўшмачингмасман, — гапдан қолмади Гулнора ҳам.

Опа-уканинг жанжали икки соатча давом этди. Гулноранинг «кайф»идан асар ҳам қолмади. Аксинча, боши лўқиллаб оғрий бошлади. Шу баҳона хонасига кириб ётди. Нодира ҳам ухлады. Ховлида бироз сўкиниб юргач, Илҳом ҳам ичкарига кирди. Учовлон тинчгина ухлаб қолишди. Аммо, бу тинчлик узокқа чўзилмади. Ярим тунда Илҳомнинг уйқуси қочди. Ҳаёлини аллақандай фикрлар чўлгай бошлади... Бу манжалақидан қутулмасам бўлмайди. Шуни деб тинчим

йўқ. Тамом, бунга нуқта қўйиш керак.

Илҳом ўрнидан турди. Устахонага кириб болтани излади. Қўлига болта тутган йигит, инсонийлик қиёфасини бутунлай йўқотди. Ўзини, ичини тирнаётган саволларни, ўтмишини ва келажагини шу болта измига топширди. Болта Гулноранинг турли жойларига урилаверди... Аллақандай тахликадан чўчиб уйғонган Нодира кўрқув ичида қолди. Туш кўрганини ҳам, уйғонганини ҳам билолмай қарақтланди. Нодиранинг уйғонганини кўрган тоғанинг калласига фақат бир фикр — «сотати» деган ўй келди, холос.

Нодиранинг очилмаган гунчалигини, қизчанинг кўзларидаги ҳаётга иштиёқни илғамади. Энди болта Нодиранинг бошига теғди. Совуб қолган жасадаг қўзи тушган Илҳом ҳаракатдан тўхтади, ҳовлига отилди.

Уша қуни уйда учаласидан бош қа ҳеч ким йўқ эди. Лида опа қизиникига, Тоҳир акаси Ҳазораспга, Игор яна аллақаерга кетган эди.

Эрталаб уйига келган Игор эшик қулфлигини кўриб, боғ тарафдан қирмоқчи бўлди. Боғда Илҳом акасини кўриб юраги алланечук бўлиб кетди. Игорни кўриб, Илҳом ҳам безовталанди.

— Ҳеч кимга айтмасанг, бир гап айтаман, — деди у секингина.

— Йўқ, айтмайман.

— Анави бузуқки билан қизини ўлдирдим.

— Жинни бўлганмисан? — ваҳимадан Игорнинг кўзи қичиб кетди.

— Ишонмасанг супургилар орасини қара.

Игор супургилар орасида кўрпага ўралган она-қизнинг мурдасини кўриб, доғдираб қолди.

— Менга чуқур қазииш юбормайсанми? — Илҳомнинг овози Игорни ҳушига келтирди.

— Сен ўзинг қазиб тур, менинг зарур ишим бор, келгач албатта қазишаман. Игор ташқарига отилди. Олдин онасига, сўнг ИИБга хабар берди.

Жиноятчи қўлга олинди. Далилий ашёлар ва гувоҳларнинг кўрсатмалари асосида айбини тан олди. Пушаймонлигини билдириб, кечирим сўради. Аммо, уни кечириб бўлмасми? Шунча қабиҳликни қилган одам инсофга келишига ким қафлат беради? Йигирма етти ёшида қўлини ўз жигаргўшаларининг қонига белаган йигитдан нима қуттиш мумкин? У тергов жараёнида опасининг фоҳишалигини бир неча бор рўқач қилди. Ўзи виждонли экан, нега опасини йўлга солмади? Гўёки, унинг уйланишига опаси ҳалақат қилганмиш. Наҳотки, тоғни талқон қилгучи ёшда бўла туриб, Илҳом жой масаласини ижобий ҳал қилолмаса? Ишласа, ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланса, бир-икк сўм пул топиши, опаси ё ўзи учун уй қуриши мумкин эди-ку. Ун икки яшар қизга тажовуз қилаётиб, виждони қийналмаган тоғанинг энди виждони қийна-

ладими? Саволлар жуда кўп. Тергов жараёнида гувоҳларнинг кўрсатмалари оила қабохат ботқоғига ботганини кўрсатди. Дейлик, маҳалла оқсоқолининг таққидлашича, Гулноранинг Маяни чиқариб юбориш ҳақидаги шикоят юзасидан ИИБ ходими билан уларникига боришганида, Лида опа Маяни ҳимоя қилган, уни уйда олиб қолишга уринган. Уйланг, қайси ота-она ўз боласини кўр-кўр на шайтоний ҳаётга ундайди. Билвакс, уни йўлдан қайтариб, оналик меҳри ва насиҳати билан тўғрилика бошламайдими?

Игор ўз кўрсатмасида опаси февраль ойида, «бизга ўз хонангни бўшатиб бер, Илҳомнинг Нодирага тегиб қўйишидан кўркам» деганини айтди. Игор опасига онаси ёнига ўтиб ётишни маслаҳат беради. Албатта, Игор тўғри маслаҳат қилган. Аммо Гулнора нега укасининг маслаҳатига қулоқ тутмади? Хуллас, далиллар фожеанинг илдири чўқурлигини кўрсатди. Гарчи, қотиллик бир кечада содир этилган бўлса-да, у йиллар давомида пишиб етилган.

Гулнора бир неча йил муқаддам наҳс ботқоғига илк ботган кезлари бу ботқоқнинг ҳидидан жиркана билганида, ундан чиқиш йўлларини кидирганида, бу фожеа рўй бермаган бўлармиди?! Лида опа ўз вақтида фарзандларига тўғри тарбия берганида бу кўргўликлар қаерда дейсиз? Қўни-қўшни, маҳалла-қўни оиланинг ғийбатини қилмасдан, унга баҳоли-қудрат ёрдам қўлини чўзганлариди, бугун виждонлари олдида юзлари ёруғ бўлармиди?

Аммо начора. Фиш қоллипдан кўчди. Қотил ўз жазосини олиши аниқ. Балки, атрофдаги лоқайд одамлар энди кўзларини каттароқ очшар.

Инсонийлик инқирози туфайли рўй берган фожеа ва йўқотишлар балки оиланинг қолган аъзоларини меҳр-оқибатлироқ бўлишга ундар. Ким билади, дейсиз. Бу бизнинг истакларимиз, мулоҳазаларимиз, холос. Хулоса чиқариш ҳар кимнинг виждонига ҳавола.

Биз атайлаб қаҳрамонларимизнинг исм-шарифларини тўлиқ келтирмадик. Негаки, мақсадимиз ҳар солиш эмас, балки огоҳлантиришдир.

Абдулла НУРМЕТОВ,
хуқуқшунос,
адлия кичик маслаҳатчиси

РЕКЛАМА

РЕКЛАМА

ЕВРОПАНИ ЗАБТ ЭТГАН

KARVON

Award for Commercial Prestige



ШУ ЙИЛНИНГ 26 ноябрида Испаниянинг Мадрид шаҳрида халқаро тижоратчилар Олий мукофотининг янги минг йилликдаги совриндорларига мукофотлар топширилди. Мазкур нуфузли мукофот соҳиблари бўлган қатор фирма ва корхоналар ичида Тошкентдаги «Karvon bozori» улгуржи савдо комплекси ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти ҳам бор эди.

Ушбу нуфузли мукофот соҳиби «Karvon bozori» улгуржи савдо комплекси ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти 1997 йилдан буён халқаро «Тижорат етакчилари Клуби»нинг аъзосидир.

«Тижорат етакчилари Клуби» 1979 йилда ташкил этилган бўлиб, у беш қитъа мамлакатларининг 16 мингдан зиёд ишлаб чиқарувчилари ва корхона раҳбарларини халқаро майдонда тижоратни ривожлантириш, ўзаро дўстона муносабатларни кучайтириш мақсадида бирлаштириб турибди.

Турли давлатлар дипломатик корпуслари вакиллари, ОАВ ходимлари ва бошқа расмий кишилар иштирок этган тақдирлаш маросимида «Karvon bozori» ЕАЖ бошқаруви раиси Равшан Раҳимовга ҳам халқаро тижоратчилар Олий мукофоти топширилди.

Бутунги кунда 46 та корхона ва ташкилотни ўзида бирлаштирган «Karvon bozori» 2000 йилда 1 млрд. 161 млн. сўмлик хизмат кўрсатган бўлиб, шундан 947 млн. сўми соф даромаддир.

Жорий йилда бу микдор 1 млрд. 189 млн. сўм бўлиши кўтилмоқда.

Шунингдек, «Karvon bozori» ЕАЖ мамлакатимизда олиб борилаётган турли инсонпарварлик ишларида шаҳар ободончилиги, физкультура ва спортни қўллаб-қувватлаш борасида ҳам тахсинга лойиқ ишлар олиб бормоқда.

Сўрагди: «Karvon bozori» улгуржи савдо комплекси ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Р. Раҳимов нуфузли мукофотни қабул қилиб олмоқда.



Янги йил
қувонғ ва бахт
келтирсин,
азиз оқиндошлар!

«КОСОН» тумани 1-пахта тозалаш
очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти

«КОҒБОЖЖОН»

Жамоаси барча ўзбекистонликларни кириб
келаётган янги 2002 йил билан қизгин таб-
риклайди. Янги йилда барчангизга
бахт, узоқ умр тилаб қолади.



Yangi yil

«ТАШЭЛЕКТРОАППАРАТ»

СП «Ташэлек-
троаппарат»
крупнейший про-
изводитель элек-
ротехнического
оборудования

Yangi yilangiz bilan

«ХИМСИНТЕЗ»

Кириб келаётган янги 2002 йил
билан барчангизни қизгин таб-
риклайди

«АЯЖОН»

126-сонли дорихона жамоаси барча Ўзбекис-
тон аҳлини яқинлашиб келаётган 2002 йил билан
самимий муборакбод этади. Янги йилда барча
орзуларингиз ушалишини тилаб қолади

● ЮЛДУЗЛАР

МУЛЬТИПЛИКАЦИЯ

КУРОЛИ

Шу кунларда Қўшма Штатларда афсонавий мультипликатор, бутун дунё болаларининг севимли мультикахрамонлари — сичқонча Микки Маус, ўрдакча Дональд Дак ва яна 200 дан ортиқ қойилмаком персонажларнинг «отаси» Уолт Элиас Дисней таваллудининг 100 йиллиги нишонланмоқда.



Турган гапки, афсона бўлганлар шахси ҳеч кимни бефарқ қолдирмаган. Шундай экан, келинг, катта-кичикни бирдек ўзига ром қила олган фильмлар ижодкорининг босиб ўтган ҳаёти йўлига бир назар ташлайтилг, асқотадиганини эсда сақлаб қолайлик.

Холландияда айтганда, санъат уммониди шундай жавоҳир инсонлар борки, уларнинг этиқодиёи ирқидан, Ватанию миллатидан, шахсиятию фитратидан қатъий назар, Одам ато фарзандлари уларни бирдек ардоқлайди, юксак баҳолайди. Энг муҳими — унутмайди. Ана шундай инсонлар қаторида Уолт Элиот Диснейни санасак, эътирозга ўрин йўқ, менимча.

Мен билган инсонлар табиатида бир нарсаси бор, яъни кўпроқ ўз истеъдоди, меҳнати (ва айбатта Яратганнинг иродаси) билан юксак чўққиларни забт этган шахслар кўпроқ қадрланади, эъзозланади. Айтмоқчиманки, аллақандай асқотадигани эришган ютуқларидан кўра, оддий табақа вакилининг ютуқларига хайрихоҳ бўлинади. Бу ўша «пролетарийча тафаккур тарзининг асоратидир, эҳтимол.

Хуллас, Уолт Дисней биз билган-билмаган Американинг Чикаго штатида 1901 йилнинг 6 декабрида ирланд муҳожир Элиас Дисней оиласида дунёга келади. Оилада ундан ташқари яна тўрт фарзанд — уч ўғил ва бир қиз бор эди. Яна шундай тахминлар ҳам борки, унга кўра буюк мультипликатор Испанияда, Андалусиянинг Мохакор қишлоғида туғилган. Буни нафақат ўзларининг машҳур юртдошлари билан фахрланувчи мохакорликлар, шунингдек бир қанча америкалик биографлар ҳам тасдиқламакдалар. Бу тахминга қараганда, Уолт мохакорлик маҳаллий врачнинг уйида пол ювувчи бўлиб юрган ёлғиз она Исабел Саморанинг ўғли бўлиб чиқади. Исики эса оригинал испанча — Хосе Гирао Самора бўлган экан. Исабел Самора муҳожир бўлиб АҚШга — акаси ишлайётган Чикаго штатига бориб қолади. Аммо у ерда ҳам «косаси оқаравермаган» бояқош ёлғиз она Исабел ўғли Хосени қўшни яшаётган Элиас ва Флора Диснейлар оиласи қарамоғига топширишга мажбур бўлади. Бу билан Хосе Уолтер Элиас Дисней номини олади ва америкаликка айланади.

Тўғрисики айтганда, Уолтнинг ирланд ёки испанлигининг биз учун унчалик қизиқи йўқ. Сабаби, даҳолар ҳамма миллатларда ҳам етарли...

Дисней чизмай туролмас эди. Бу иштиёқ болалигида туғилиб то вафотида қадар уни тарқ этмади. Диснейлар оиласи бой эмас эди, қўғоз-қалам учун пул сарфлашни эса ота Дисней беъмаъилиқдан бошқа нарсаси эмас деб биларди. Уолтнинг эса чизиш иштиёқи тинч қўймас эди. 4 ёшли Уолт таёқчани смолга аралаштириб уй суратини чизади. Агар айтиш мумкин бўлса, унинг илк ижодий иши ўзи яшаётган уй деворида акс этади...

Саккиз ёшдаёқ эрта тонгдан туриб газета тарқатиш орқали пул топишга «киришган» Уолт расм чизиш у ёқда турсин, қўлга тагушган газеталарни тузукроқ қарақлашга ҳам вақт тополмас эди. Ижод аҳлини, хусусан, рассомларни ўтакетган беъмаъни, беқорчи одамлар деб билган ота чизишни машқ қилиб қўлга тушган Уолтнинг жазолаб турар эди.

Шунга қарамай, омади чоған ёш Уолтер Чикаго санъат институтига киришга муваффақ бўлди. Шу орада у сарқаш фикрлари билан анъанавий мантқиқнинг лўндагина қилиб мисини чиқарувчилар ўқийдиган мактаб — газета карикатурчилари курсида ўқиб олади.

Канзас-ситида реклама билан шугулланувчи рассомчилик устаконасига ишга кирган Уолт бу ерда ишбилармон шерик Юба Айверксни топади. Бу ердан кетиб улар «Дисней-Айверкс» реклама студиясини очиади. Бироқ тезда банкротга ўраб, студия ёпилади. Кейинроқ, Канзас-ситидаги кинореклама компаниясида ишлайётган Дисней ўзининг дастлабки кашфиётига қўл уради: расмларни серкюрра, шу билан бирга соддароқ тасвиришга учун уларни целлулоид қарақларга чизади. Кейин уларни бир-бирига улаб чиқади.

1923 йилда у Холливудга йўл олади. Мультипликация билан шугулланишга аҳд қилган Уолт акаси Рой билан бирга студия очди. Лекин Холливудда омад ҳаммага ҳам тезда келавермайди, қанчоки ҳамма яхши «танийдиган» маҳмадона Микки Маус дунёга келиши билан Диснейга ҳаётида кескин бурилиш юз беради. Уша чоғларда мультфильм персонажлари ичида энг донгдори Пат Селливен қалами остида чикқан мушук Феликс эди. Айнан мана шу нарсаси Диснейни мушук Феликс билан беллаша оладиган сичқонча Микки Маусни яратишга ундади.

Мана шу орада овозли кинолар суратга олина бошланди. Микки Мауснинг навабдаги сарғушашлари ҳақидаги «Вилли пароходчаси» фильми ҳам овозли қилиб ишланди. Шундан кейин бошқа жониворлар — сичқонча Минни, ўрдакча Дональд, бир-биридан кескин фарқ қилувчи характерли кўчкучлар Плуто ва Гуфи каби қўллаб персонажлар болалар дунёсига кириб келди.

Дисней учун маъзун кўнлар энди тарихга айланган эди. У маъзур соҳада ҳали ҳеч ким эришмаган ютуқларга эришди, рабобатчилари орзу ҳам қилмаган соҳаларнинг қўлга киритди. Унга биринчи «Оскар»ни Микки Маус олиб берди, бир йилдан кейин эса «Уч қўнча» ҳам шу нуфузли ютуқни олиб келди. 1938 йилда экранга чиққан «Белоснежка ва етти гном» Диснейга қўтилганда ҳам кўпроқ мукофот келтирди: 8 млн. доллар, навабдаги «Оскар», Венециядаги халқаро кинофестивалининг маъсус мукофоти... Умуман, Америка киноакадемиясининг олий соврини бўлган «Оскар»ни қўлга киритиш бўйича ҳали Уолтер Диснейга ҳеч ким тенглашолгани йўқ. У 29 марта ушбу мукофот билан тақдирланган.

Дисней студиясида ҳар йили янги фильм ишланар эди. Улардан «Бэмби», «Золушк», «Пинокио», «Дамбо», «Фантазия» ларни айтиб ўтиш kifой.

Ихжон уруши даврида Дисней студияси Америка солдатлари учун тарғибот мультфильмлари ишлаб чиқарди. Мультфильмларнинг солдатлардаги жангвор руҳи қўтириши унчалик ақлга сима-са-да, лекин Дисней фильмларининг ўша йиллар мафуравий ҳаётида ҳам ўз ўрнига эга бўлгани аниқ. Дисней тарихи билан боғлиқ яна бир факт борки, уни таҳлил этиш ўзингизга ҳавола. МРБ (ФЭР) архивида ҳалигача Дисней етказган махфий маълумотлар жилди сақланар экан.


Урушдан кейин у мультипликациядан фойдаланган ҳолда, кейинроқ мультипликация-сиз баъдий фильмлар ишлашга киришди. «Жонли сарҳ», «Фойиб бўлаётган прерия», «Африка арслони» каби фильмлар шухрат қозонди. Уларга параллел тарзда «Хазина-лар ороли», «Робин Гуд», «Мэри Поппинс» каби болаларбоп фильмлар суратга олинди.

Уолт Дисней ҳомилиги ва ташаббуси билан 1955 йили Калифорнияда эрталар мамлакат — «Диснейленд» ишга тушди. Ҳозир бундай «Диснейленд» лар дунё шаҳарларининг қўллариде мажбур. Калифорния санъат институтига ҳам айнан Уолтер асос солган эди.

Афсонавий мультипликатор бундан 35 йил бурун қазо қилган бўлса ҳам, ҳамон ҳеч кимнинг хотирасидан қўтарилгани йўқ. Уолт Дисней номи бугун каттаю кичик ҳар бир дин севимли, ардоқли. Унинг ишлари издоши — THE WALT DISNEY студияси давом этирмоқда. Эрталар Андерсен, ака-ука Гриммлар каби ИНСОН болаларига дунё-дунё қувончлар бера олган Уолтер Элиас Дисней, персонажлари ҳам биз билан бирга. Айтганча, Диснейнинг қизи Дейан Диснейга буюк эрталар ва рассом таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан Интернет орқали 11 минг мухлисдан табрик хати келиб тушди.

ШАВКАТ тайёрлади

● КРОССВОРД



Энига: 1. Хушбўй модда, хид. 4. Нозу-қарашма (адаб). 7. Бриллиантнинг «хом-ашёси». 10. Ов ўлжаси ёки парранда. 11. Гладиолус (ўзб). 12. Сирдошлик, яхиллик. 13. Урта. 15. Одам. 16. Ширинлик. 18. Автомобильнинг юргачи. 20. Жонли. 22. Араб алифбосидаги ҳарф. 23. Берилиш, иштиёқ. 24. Пахта теримчисининг «қуроли». 25. Руза арафаси. 27. Файридин. 29. Галаба. 30. Уйин. 32. Безак. 34. Ердам, қўллаш, исм. 36. ...суяги ёки қўрак. 38. Буюқнинг ҳақи. 39. Санъат тури. 40. Ишон. 41. Рўмол тури. 43. Гам. 45. Қалила ва ... 46. 1 ёки 2 ёшли қўй. 48. Халқ таъбабатида ишлатиладиган серсув бандли ўсимлик. 50. Спорт тури. 52. Ёш болалар бош кийими беъази. 54. Кичик суралардан бири. 55. Яксон қилиш, йўқ қилиш (адаб). 56. Совитилган. 57. Ғош Финнинг дўсти. 59. Одий ўлчам. 61. Қумуш. 62. Садриддин Саидмуродов (ёзувчи). 64. Ёзув, хат. 66. Гап ўқмас. 68. Чарм тури. 70. Аорта. 72. Сархуш, бош айланиши. 73. Оғиз ёки тил рубори. 74. Усиқ, пахмок, сержун. 75. Чирмовуқ (ўсимлик).

Бўйига: 1. Ковун ёки узум нави. 2. Бошланасиз. 3. Удум. 4. Душман. 5. Бугулар ўти. 6. Ёзувчи аёл. 7. Отанинг келиноийси (Тошкент). 8. Илмий унвон. 9. Бўри ва ит гибриди (ўзб). 14. Ярим. 16. Ҳарбий ҳандак (оқон). 17. Тан олиш. 18. Метафора. 19. Россия футбол клуби. 20. Бепул. 21. Ўсимлик тури. 26. Оғиз очиш. 28. Ошкор, аниқлаш. 31. Олмониянинг асосий қўмир-металлургия ҳавзаси. 32. Тўғри чизик бўлаги. 33. Жанжал, келишмовчилик. 34. Уят, шармандалик. 35. Майда пул. 36. Жазман. 37. Механизмларда айланувчан цилиндр. 42. Қўлай вазият. 44. Эрталардаги махлук. 47. Қилич, ханжар. 48. Дўст, биродар. 49. Ошхона буюми. 50. Маъхусийлар руҳиниши. 51. Қўйган, ёниб-адо бўлган (қўриниш). 52. Ёски-туски, қулдур. 53. Шоир, тасаввуфий йирик вахили. 58. Дондо. 60. Қўлёмаларни қўлайитириб босувчи аппарат. 63. Коса тағида... 64. Шубҳасиз. 65. Эл токини яхши ўтказувчи юмшоқ металл. 66. Ҳеч нарасиз, ночор киши. 67. Онгсиз. 68. Тузлаш, тузлов (рус). 69 ...чавага. 71. Ҳўткнинг отаси.

Калит сўз: 1, 2, 3, 4, 5

● ЛАТИФАЛАР

Швабиялик деҳқоннинг оти унинг хотини бир тегиб ўлдирди қўйди. Хотин дафн этилаётганда қишлоқнинг барча аҳолиси қатнашди. Шваб эса у ёқдан бу ёққа югураб ва «йўқ-йўқ» деб бош чайқарди. Руҳоний уни қаҳриб сўради: — Ҳой, қанақа одамсан ўзи, хотининг дафн этилапти. Сен эса... бундай одамга ўхшаб йингласанг-чи.

— Йингласанг ҳам вақт йўқ, — деди у, — кўрмаясизми, барча эркаклар отинг-ни менга сотасан деб ҳоли-жонимга қўйишма-япти.

...

Миршор деҳқон Лемпле турмага ту-

шиб қолди. Бир кун хотини унга хат ёзди. «Картошка экиладиган вақт бўлди.

Аммо ерни ҳайдай олмаيمان. Нима қилай?»

Лемпле уйга жавоб ёзди: «Картошка даласига қўлнинг теккизма, мен у ерга қурол ва пуллари қўйиб қўйгман».

Бир ҳафтадан кейин хотини уни кўргани келди:

— Полициячилар бориб, даламизни тит-питини қаҳриб қовлаб ташлашди, аммо ҳеч нарсаси топишолмади.

— Э, ҳа, шунақами, ундай бўлса энди картошкани экаверсанг бўлади.

Тузувчи: Холида ҚАЙОМОВА

Қутлов

Ҳурматли дадажонимиз
Ғофуржон Ҳамедов ва
Муассархон амма!

Сизларни улуг айём — йиди
Рамазон билан қутлаймиз.
Шундай қутлуг кунларда Сиз-
ларга узок умр, мустақам со-
ғлиқ тилаймиз деб неварала-
рингиз

Бахтирурхўжа, Мадинабону ва
Мухлисабону.

Тошкент вилояти,
Тошкент тумани